

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 4 июнь, № 107 (5781) Сешанба


Модернизация

# Кимё саноатининг тараққиёти

## мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишида муҳим ўрин тутади

***Бугунги глобаллашув жараёни жаҳон бозорида рақобатни янада кучайтириб юборгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай шароитда иқтисодиёт тармоқларида техник ва технологик янгилаш, модернизациялаш лойиҳалари изчиллик билан амалга оширилаётган давлатдагина юксак муваффақиятларга эришилади. Шу маънода, мамлакатимизда саноатнинг барча соҳалари, жумладан, кимё саноатига юқори технологияли ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш борасида салмоқли ишлар олиб борилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бу эса кутилган самарани бераётир. "Navoiyazot" очиқ акциядорлик жамиятида қўлга киритилаётган ютуқлар бунга яққол мисолдир.***





Дарҳақиқат, мазкур жамиятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидорлар кўпайиб бормоқда. Бунда ҳар йили кўплаб инвестициявий лойиҳалар амалга оширилиб, қўшимча қувватлар ишга туширилаётгани муҳим омил бўлаётир. Масалан, ўтган йили белгиланганидан 9,3 фоиздан ортиқ инвестиция жалб этилди. Буни Навоий вилояти миқёсида оладиган бўлсак, иқтисодиёт тармоқларига 825,5 миллион АҚШ доллари миқдорида ички ва хорижий инвестициялар киритилиб, 2011 йилдагига нисбатан 10,4 фоиз ўсишга эришилди. Эътиборлиси, жами инвестицияларнинг 76,1 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳалар ижросига йўналтирилди.

Жорий йилда ҳам "Navoiyazot" ОАЖ томонидан 10 дан ортиқ истиқболли лойиҳалар доирасида улкан бунёдкорлик, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилаяпти. Қиймати қарийб бир миллиард АҚШ долларига тенг бўлган аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш мажмуасини ташкил этиш лойиҳаси — шулардан бири. Бу лойиҳа муваффақиятли амалга оширилгач, йилига 660 минг тонна аммиак ва 577,5 минг тонна карбамид ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

(Давоми 2-бетда).

ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИ

*Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад — инсон манфаатларини ҳар жиҳатдан таъминлаш, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишдан иборат. Ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг ана шу муҳим устувор йўналишига мувофиқ, босқичма-босқич тарзда самарали чора-тадбирлар, жумладан, юртимизда экологик вазиятни янада яхшилаш бўйича комплекс ишлар изчил амалга оширилмоқда.*

# ЮРТИ ОБОД ЭЛНИНГ КЎНГЛИ ҲАМ ОБОД

Собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида кўп йиллар мобайнида чуқур ўйламасдан олиб борилган хўжалик фаолияти инсоннинг қулай экологик муҳитда яшаш ҳуқуқини поймол қилиб, табиий мувозанат қонуниятларининг бузилишига олиб келди. Бироқ ўша пайтда бундай жиддий муаммолар умуман эътиборсиз қолдирилар, ўз Ватанининг тақдири ва унинг ўзига хос ноёб табиатини асраб-авайлаш ҳақида қайғурадиган одамларнинг қалб нидосини эса ҳеч ким эшитмас эди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бу борадаги аҳвол тубдан ўзгарди, табиатга нисбатан номаъқул муносабат ҳеч қачон кечирилмаслиги борасидаги тарихнинг аччиқ сабоқларидан тегишли хулосалар чиқарилди. Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бугунги кунда улар асосида мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича кенг қамровли мақсадли миллий ҳаракат режалари ва давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида эса мамлакатимиз аҳолисининг тўлақонли ва соғлом ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Миллий иқтисодиётимиз реал сектори тармоқларини технологик ва экологик хавфсиз асосда ривожлантиришни таъминлашга конструктив ёндашув бу йўналишдаги кўплаб камчиликларни бартараф этиш, атроф-муҳитни соғломлаштириш имконини берди. Жаҳон ҳамжамияти мамлакатимизда табиатдан оқилона фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишга кўмаклашадиган чора-тадбирлар юқори самара бераётганини эътироф этмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида, ҳатто йирик шаҳарлар ва саноат марказларида ҳам ҳавонинг ифлосланиши сезиларли равишда камайгани ва бу борадаги кўрсаткичлар халқаро миқёсда белгиланган меъёрлардан сезиларли даражада кам экани қайд этилмоқда. Кейинги 20 йилда Ўзбекистонда нафас йўллари билан боғлиқ касалликлар 38,6 фоизга камайгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Мамлакатимизда аниқ мақсадлар билан амалга оширилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг кўлами ва миқёси ҳақиқатан ҳам кенгайиб, улкан амалий натижалар бермоқда — нафақат пойтахтимиз, вилоят ва туман марказлари, балки қишлоқ ҳудудларининг ҳам қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Замонавий уй-жойлар, муҳташам маъмурий бинолар, ижтимоий инфратузилма объектлари, кенг ва равон йўллар барпо этиш билан бирга, гўзал боғу хиёбонлар яратилмоқда, йўл ёқаларига манзарали дарахтлар, анвойи гуллар экилмоқда.

Истиқлол йилларида юртимизда яшил ҳудудларни кенгайтириш, маҳаллий ўсимликлар навларини яхшилаш, экзотик дарахт ҳамда гул кўчатларини етиштириш, маданий ўсимликларнинг янги турларини яратиш учун бирламчи база бўлиб хизмат қиладиган ўлкамизнинг табиий ўсимлик дунёси генофондини асраб-авайлаш борасидаги ишлар янада фаоллашди.



*Каштан — ҳақиқатан ҳам — ажойиб дарахт. Унинг пўстлоғи, барги, гуллари, меваси ва ҳатто, яшил тиканли тухумдони ҳам шифобахш хусусиятга эга.*

Давлатимиз раҳбари аҳоли пунктларида яшил ҳудудлар майдонини кенгайтириш, ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга, инсон саломатлиги ҳамда атроф-муҳит учун фойдали бўлган манзарали ўсимликлар — дарахт ва буталар турини кўпайтириш бўйича ғоят муҳим ташаббусни илгари сурди ҳамда уни амалга оширишнинг йўл-йўриқларини асослаб берди. Ана шу асосда сўнгги 10 йилда биргина пойтахтимиз Тошкент шаҳрида 1223 гектар асфальт қопламаси олиб ташланиб, яшил ҳудудлар, дам олиш масканлари яратилди. Ҳар йили манзарали дарахт кўчатлари экиш ҳисобидан 3027 гектар майдонда истироҳат боғлари ва хиёбонлар барпо этилди.

Айни пайтда аҳоли яшаш жойларидаги яшил ҳудудларда 220 дан ортиқ дарахт турлари ўсмоқда. Улар орасида, айниқса, каштан алоҳида ўрин тутади. Таъкидлаш керакки, бундан 20 йил аввал бу дарахт Ўзбекистонда экзотик ўсимлик ҳисобланар эди. Бугунги кунда эса, шаҳар ва қишлоқларимизга кенг миқёсда кириб бориб, уларнинг кўркига кўрк қўшмоқда, ҳақиқий гўзаллик ва таровот тимсолига айланмоқда.

— *Мустақилликнинг дастлабки йилларида мени ўсимликшунослик соҳаси мутахассиси сифатида Президент девонига каштан дарахтини бизнинг иқлим шароитимизда етиштириш масаласида таклиф этишган эди,* — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси институтининг катта илмий ходими Нина Штонда. — *Каштан ўзининг фойдали ва манзарали хусусиятлари билан ажралиб турадиган ноёб дарахт бўлиб, илк бор Ўзбекистонга XIX асрнинг охирларида келтирилган. Бироқ уни Тошкент Ботаника боғида четдан олиб келинган уруғдан етиштириш ўтган асрнинг 50-йилларида бошланди. Тажриба ишлари дастлаб фақат илмий тадқиқот мақсадида амалга оширилиб, каштан кўчатлари ниҳоятда чекланган миқдорда, доналаб экилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг кўкаламзорлаштириш ишларини кенгайтириш ва тегишли илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлашга қаратган улкан эътибори туфайли истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб каштан кўчатларини етиштириш ишлари анча фаоллашди. Бу ишнинг агротехникасини ўзлаштириш — уруғларни йиғиш, сақлаш ва экиш, ўсимликларни парвариш қилиш ва кейинчалик бошқа жойга ўтказиш мақсадида мутахассисларни ўқитиш йўлга қўйилди.*

(Давоми 2-бетда).

ҒАМХЎРЛИК

*Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан хайрия концерти бўлиб ўтди.*

*"Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" махсус ҳафталиги доирасида ташкил этилган ушбу тадбирга Меҳрибонлик, Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг фарзандлари, имконияти чекланган болалар таклиф этилди.*

# Ҳар бир бола — меҳр ва эътиборда

Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий вакили, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва "Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси Васийлик кенгашининг раиси Л. Каримова-Тиллаева мамлакатимизда фарзандлар камоли йўлида амалга оширилаётган барча эзгу ишлар замирида дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамлиги, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, саломатлигини асраш давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътиборида эканини алоҳида таъкидлади.

Маълумки, "Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ота-она меҳридан бебаҳра қолган болаларнинг таълим-тарбия олишига, ўз қизиқиши ва лаёқати, интилишларини ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунар эгаллашига, жамиятга интеграциялашувига яқиндан кўмаклашиб келмоқда. "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" махсус ҳафталиги доирасида ўтказилган хайрия акциялари, бадиий кўргазмалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасидаги спорт мусобақалари, шунингдек, битирувчи ёшлар иштирокидаги касблар ярмаркалари ёш авлод камолоти йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг амалдаги ифодасидир.

Эътиборли томони шундаки, "Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармасининг Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказган "Биргаликда обод турмуш ва обод Ватан яратамиз!" иншолар танлови, викториналар, ижодий кўрик-танловлар, фестиваллар, концертлар, фотокўргазмалар ҳафталикнинг унутилмас таассуротларга бой тарзда ўтишига хизмат қилди.

**Дилноза СОБИРОВА.**

# Инсон саломатлиги — бебаҳо бойлик

*Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, эртамиз эгалари — ёш авлодни ҳар тарафлама соғлом, бақувват ва баркамол қилиб вояга етказиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган.*

ҲАФТАЛИК

Бинобарин, "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ҳам оилалар саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни янада кучайтиришга оид кенг кўламли чора-тадбирлар белгиланиб, изчил амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан юртимизнинг барча ҳудудларида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган саломатлик ҳафталиклари худди мана шу олий мақсадга хизмат қилаётгани билан эътиборлидир. "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида бошланган навбатдаги тадбир доирасидаги чуқурлаштирилган тиббий кўрикларда юртимиздаги катта тажриба ва малакага эга 300 нафардан зиёд шифокор қатнашаяпти. Улар ҳар бир туман шифохоналарида замонавий тиббий жиҳозлар ёрдамида беморларга аниқ ташхис қўйиб, самарали даволаш бўйича тегишли тавсия ва йўл-йўриқлар бермоқдалар.

(Давоми 3-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН

*Яқинда Германиянинг Рейнланд-Пфальц федерал ўлкаси маркази — Майнц шаҳрида "Ўзбекистон маданияти кечаси" бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси ва Франкфуртдаги Бош консуллиги томонидан Майнц шаҳар университети билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.*

# Майнцда Ўзбекистон маданияти кечаси

Тадбирда шаҳар маъмурияти раҳбарлари, хусусан, шаҳар бургомистри, Майнцнинг ижтимоий-сиёсий, илмий доиралари вакиллари, германиялик ва хорижлик талабалар ҳамда Майнц олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар, шунингдек, ёш тадқиқотчилар қатнашди.

Маданият кечаси иштирокчилари Ўзбекистон — Германия алоқаларининг ривожи, жумладан, таълим ва илм-фан соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик кўламларини кенгайтириш истиқболлари ҳақидаги атрофлича маълумотларга эга бўлишди. Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат, юртимизда ёшларнинг давр талабларига мос билим олишларини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича умумэътироф этилган тамойил ва меъёрлар асосида олиб борилаётган ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда сўзга чиққан **Майнц шаҳар маъмурияти ҳузуридаги Талабалар халқаро хизматининг раиси Матиас Грим** дунё илм-фани ҳамда маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирларга бешик бўлган Ўзбекистонни кўҳна тарихга ва бой маданиятга эга мамлакат сифатида эътироф этди. Унинг фикрича, Майнц шаҳар олий ўқув юртларида ўқиётган ўзбекистонлик талабаларнинг билим олишга нисбатан кучли иштиёқлари юртимизнинг интеллектуал салоҳияти нечоғли юқори эканлигидан далолат беради. М. Грим "Ўзбекистон маданияти кечаси" сингари тадбирлар Германия жамоатчилигининг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларини бойитишга ҳамда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига салмоқли ҳисса қўшишини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

# ЮРТИ ОБОД ЭЛНИНГ КЎНГЛИ ҲАМ ОБОД

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

*Натижада маҳаллий каштан дарахтлари коллекцияси яратилди, соғлом ва иқлим инжиқликларига чидамли уруғ берадиган “она дарахт”лар етиштирилди ҳамда уларнинг уруғ фонди шакллантирилди. Таъкидлаш жоизки, ниҳоятда мослашувчан бўлган бу ўсимлик талаб даражасида парвариш қилингани боис Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитига тезда мослашиб кетди.*

*Ландшафт архитектураси соҳасида кенг билимга эга бўлган давлатимиз раҳбарининг ҳар томонлама чуқур асосга эга бўлган тавсиялари 1994 йилда Ботаника боғида ва Ўрмон хўжалиги вазирлигининг еттита кўчатхонасида каштанни кўпайтириш ишларини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун замин бўлди. Шу тариқа Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида каштан дарахтини кўпайтириш учун тегишли шарт-шароитлар яратилди.*

**П**резидентимиз Ислом Каримовнинг топшириғига биноан, ушбу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида япон софораси ва каштан дарахтининг инсон ҳаёти ва фаолияти учун муҳим хусусиятларга эга экани, мамлакатимизда бошқа кўплаб фойдали дарахт навлари учун ноёб тиббий-иқлим шароити мавжудлиги эътиборга олинган ҳолда, мазкур ўсимликларни экишни кўпайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори қабул қилинди. Қарорни амалга ошириш доирасида 30 тоннадан ортиқ каштан уруғи тайёрланди. Бу уруғлар мамлакатимизда махсус ташкил қилинган 47 та кўчатхона, жумладан, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларидаги 6 тадан кўчатхона, Жиззах ҳамда Навоий вилоятларидаги 5 тадан кўчатхоналарда экилиб, парваришланди. Ана шундай тадбирлар уруғликни экиш учун мўлжалланган даражада етиштириш имконини бермоқда. Бундан ташқари, кўчат экилган майдонлар йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ҳозирги вақтга қадар мамлакатимиз бўйича жами 2,5 миллион донадан зиёд каштан кўчати экилгани бу борада ўтган қисқа муддатда нечоғлик кенг кўламли ишлар амалга оширилганидан далолат беради.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, барча ҳудудларимизда ўтқазилган кўчатлар сони йилига ўртача икки баробар кўпайиб бормоқда. Шу муносабат билан мамлакатимизда яшил майдонларни кенгайтириш бўйича изчил амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Масалан, 1990 йилда яшил ҳудудлар Тошкент шаҳри умумий майдонининг 9 фоизини ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич уч баробардан зиёд кўпайиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартидан ҳам сезиларли даражада ошди. Мазкур стандартларга мувофиқ, ҳар бир одам учун 50 квадрат метр яшил майдон тўғри келиши меъёр ҳисобланади. Айни пайтда Тошкент шаҳрида ҳар бир кишига ўртача 70 квадрат метр яшил майдон тўғри келмоқда.

Бунинг энг муҳим натижаси сифатида дунёдаги атмосфераси чанг ва газ билан ифлосланган аксарият катта шаҳарларга нисбатан Ўзбекистон шаҳарларида ҳаво анча тоза ва мусаффо эканини таъкидлаш лозим. Бундай натижага нафақат катта-катта яшил майдонлар барпо этиш, балки транспорт-коммуникация тармоқларини яратишга оқилона ёндашув, атроф-муҳитга зарар етказаётган ишлаб чиқариш корхоналарини аҳоли тураржойларидан ташқарига кўчириш ёки уларни технологик модернизация қилиш ҳисобидан эришилгани эътиборлидир.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, боғлар ва хиёбонлар, яшил дарахтзорлар, айниқса, ёзда шаҳарнинг иқлимига ижобий таъсир кўрсатиб, уни мўътадиллаштиради. Масалан, каштаннинг йирик барглари қуёш энергиясининг катта қисмини қайтаради ва ҳаво ҳароратини самарали тарзда пасайтиради. Бундай дарахтлар соясида ҳарорат очиқ жойга нисбатан 16 даражагача паст бўлиши кузатилади. Яна шуниси муҳимки, сўлим дарахтзорлар инсон организмининг барча аъзо ва ички тизимлари фаолиятини нормаллаштиришга кўмаклашиб, том маънода табиий табиб вазифасини бажаради. Каштан экилган хиёбонда бир оз сайр қилишнинг ўзи ҳам инсон кайфиятини кўтаради, унинг ўпкасини тоза ҳаво билан тўлдириб, тетиклаштиради.

Бундан ташқари, қадимий ривоятга кўра, ҳар бир дарахт инсонга ўзига хос таъсир кўрсатадиган биоэнергетик майдонга эга бўлади. Эман ва каштан инсонга ижобий биологик энергия берадиган дарахтлар сирасига киради.

Каштан — ҳақиқатан ҳам — ажойиб дарахт. Унинг пўстлоғи, барги, гуллари, меваси ва ҳатто, яшил тиканли тухумдони ҳам шифобахш хусусиятга эга. Мисол учун, каштан пўстлоғи таркибида кумаринли гликозид-эскулин, оксикумаринли гликозид-фраксин ва сокополин, шунингдек, эсцин, аллатоин, кверцетин, қуюқ мой ва бошқа фойдали моддалар бор. Уруғида эса крахмал, эсцин, эскулин, протеин, қуюқ мой, қанд, катехин танини, аччиқ ва оқсил моддалар, аргинин, баргларида эса флавоноидлар, каротиноидлар мавжуд.

Ўсимликларнинг фармакологик фаоллигини илмий ўрганиш натижаларига кўра, каштан меваларининг суюқ экстракти ва ундан тайёрланган препаратларнинг самарали экани аниқланган. Улар вена томирлари тонусини оширади, веналарда қон айланишини тезлаштириб, тромбознинг ҳосил бўлиши ва кучайишига тўсқинлик қилади. Бундан ташқари, мазкур препаратлар капиллярлар сезувчанлигини сусайтиради, микроциркуляцияни яхшилайди, шамоллашга қарши хусусиятларга эга бўлиб, қон қуюлишини секинлаштиради.

Каштандан тайёрланган дамламалар, қайнатма ва экстрактлар диарея, жиғилдон қайнаши, талоқ, бронхит, томир хасталиклари, варикоз, ўткир сурункали тромбофлебитлар, қон айланиши бузилганда, сафро ажралиши издан чиққанда, невралгия, шунингдек, ревматизмда суртиладиган дори сифатида халқ табобатида азалдан кенг қўлланиб келинади.

Буларнинг барчаси каштаннинг халқ табобати ва замонавий тиббиётда кенг қўлланилишига сабаб бўлган. Бироқ унинг шифобахш барг, новда ва мевалари фақат мутахассисларга маълум бўлган аниқ муддатларда териб олинган тақдирдагина яхши самара беради.

Каштандан олинган препаратларнинг фармакологик хусусиятлари яхши ўрганилган ва улардан анъанавий тиббиётда муваффақиятли фойдаланилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда каштандан олинган “Эскузан”, “Венитан” ва “Венитан форте” каби сурункали қон томир касалликларини даволашда фойдаланиладиган препаратлар рўйхатга олинган бўлиб, тиббиётда қўллаш учун рухсат этилган. Каштаннинг фойдали хусусиятлари шулардангина иборат эмас. Унинг яна бир қанча хислатлари маълум. Масалан, юмшоқ ва осон бўяладиган каштан ёғочи ўймакорлар томонидан алоҳида қадрланади. Шу билан бирга, бу дарахт гуллаган пайтда боларилар учун ажойиб нектар манбаи ҳисобланади, айни вақтда ўзига хос гулчанглари билан ўсимликларни чанглайди.

**Б**угунги кунда Ўзбекистонда етиштирилаётган каштаннинг ватани Болқон яриморолининг жанубидир. У ёввойи кўринишда, асосан, шимолий қияликлардаги катта баргли ўрмонларда денгиз сатҳидан 800-1800 метр баландликда ўсади. Шунингдек, каштаннинг истеъмол учун яроқли бўлган бошқа тури ҳам бўлиб, у мевасининг шаклига кўра оддий каштанга ўхшаса-да, асосан, Ғарбий Европада ўсади ва қора қайинлар оиласига мансуб. Бироқ экиладиган каштан оддий каштанга қараганда иқлим ўзгаришларига, турли касаллик ва ўсимлик зараркунандаларига унчалик чидамли эмас. Бу каштан мевасининг 50 фоизи сувдан иборат бўлиб, тез қуриб қолиши, замбуруғлардан осон зарарланиши боис уларни бошқа жойларга олиб бориб кўпайтириш қийин.

— *Каштан дарахти йўллар, хиёбонлар ва истироҳат боғларида экиш учун мослаштирилган чиройли манзарали ўсимликлардан биридир,* — дейди меъмор Азиз Одилов. — *Ўзбекистонда ҳам каштан шаҳарлар ва аҳоли тураржойларини кўкаламзорлаштиришда муҳим ўрин тутади. Шаҳарсозликнинг муҳим таркибий қисми бўлган кўкаламзорлаштириш эса ландшафт архитектурасига мос тушади. Бу борадаги ишлар натижасида илгари цемент ва асфальт билан қопланган пойтахтимизнинг бош майдони, вилоят ва туманлар марказлари ҳам эндиликда яшил масканларга айланди.*

Турли дарахтларнинг биологик хусусиятларини ўрганган мутахассисларнинг таъкидлашича, каштан ҳавони заҳарли газлардан жуда самарали тозалайди. Масалан, чинор йил давомида атмосферадаги оғир металларни ўзига сингдириб, сўнгра тўпланган зарарли моддаларни бир йўла ҳавога чиқариши аниқланган. Шу сабабли кўплаб давлатларда боғлар, истироҳат боғлари, аҳоли пунктлари ва тураржойларда яшил ҳудудларни барпо этишда чинор экиш тавсия этилмайди.

Аслида эса, чинорлар асосан, қабристон четларида, аҳоли пунктлари ташқарисида ўсган. Бироқ собиқ тузум даврида улар тўғри келган жойда палапартиш экиб кетилаверган. Чунки шаҳар ва қишлоқлар кўркига кўрк қўшиб, одамларга эстетик завқ бағишлайдиган манзарали ва фойдали дарахтларни экиш ҳақида бош қотиришдан кўра, оддий чинорларни оммавий экиб ташлаш осон бўлган. Ҳолбуки, бизнинг иқлим шароитимизда муҳитни соғломлаштириш ҳамда табиий манзарани гўзаллаштириш нуқтаи назаридан эман, жўка, япон софораси, қайин, магнолия, игнабаргли дарахтлар, айниқса, қарағай, арча ва албатта, каштан энг мақбул дарахт ҳисобланади.

— *Каштан, ҳақиқатан ҳам, гўзал дарахт,* — дейди ўз фикри билан ўртоқлашар экан, франциялик меҳмон Аник Эспансью. — *Яқиндан томоша қилсангиз, барглари жуда мафтункор, узоқдан эса шаклу шамойили кўзни қувонтиради. Бу йил баҳорда, айниқса, каштанлар қандилсифат бўлиб гуллаган пайтда Тошкентга келиб, ўсимлик дунёсининг ушбу тури нақадар жозибадорлигига яна бир бор амин бўлдик. Уларнинг оқ ва оч пуштиранг гуллари ҳавога майин ва ёқимли ифор таратмоқда. Каштан экилган хиёбонлар одамларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароит яратилган ажойиб пойтахтингиз — замонавий мегаполис кўркига кўрк бағишлаб турибди.*

— *Тошкентга келиб, каштанларнинг гуллаши ва каштан дарахти шаклининг гўзаллигини илк бор кўрдим ва бундан бениҳоя завқландим,* — дейди ҳиндистонлик Вира Шринивас. — *Инсоннинг баҳридилини очадиган тоза ҳаво ва дарахт гулларининг муаттар бўйларини ҳидлаб, нафақат соғлиқ учун фойдали куч, балки бадиий завқ ҳам олади киши.*

*Мамлакатингизда аҳоли ҳаётини янада фаровонлаштириш мақсадида қилинаётган улкан ишларнинг натижалари, ҳақиқатан ҳам, беқиёсдир. Буларнинг барчаси мустақил Ўзбекистондаги жамики ишлар инсон манфаатларини таъминлаш, халқ ҳаётини янада фаровон этиш, мамлакатни эса гуллаб-яшнатиш учун амалга оширилаётганидан ёрқин далолатдир.*

**Д**арҳақиқат, юртимизнинг турли ҳудудларида режали тарзда тартиб билан экилган эман, каштан, жўка, қайрағоч, софора ва шумтол каби баланд шох-шаббали ҳамда йирик баргли дарахтлардан иборат ям-яшил масканлар атмосферани транспорт, саноат чиқиндилари ва чанг-ғубордан самарали ҳимоя қилмоқда. Яшил ҳудудларни ташкил этишда шамолнинг йўналиши, хусусияти, атмосферада зарарли чиқиндилар кўплиги, уларнинг кимёвий ва физик таркибини эътиборга олиш зарур. Чунки ана шу омиллар асосида дарахтларнинг алоҳида навларини қай тартибда ва қандай баландликда экишни аниқлаш мумкин.

Сербарг дарахтлар навлари муҳофаза қилинадиган объектга нисбатан тўғри жойлаштирилган ҳолда экилганида товуш тўлқинлари йўлини тўсиб, шовқинни 75 фоизгача қайтаради. Каштан шохлари шовқинни камайтириб, товуш энергиясининг 25-30 фоизини ютади.

Каштан, шунингдек, шамолни қайтариш хусусиятига ҳам эга бўлиб, унинг барглари шамол оқими тезлигини қарийб 3 баробар пасайтиради. Бу ҳолат тез-тез шамол эсиб турадиган ҳудудларда, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Дарахтларни шамол оқимига қарши кўндалангига экиш шамол тезлигини бир текис пасайтириш имконини беради.

Дарахт экишни уларнинг экологик-биологик хусусиятлари — ёруғликка, тупроқ тури ва намликка бўлган эҳтиёжини, турли навларнинг бир-бирига таъсирини инобатга олган ҳолда режалаштириш лозим. Каштан кўпроқ эман, оққарағай, ольха, шумтол каби дарахтлар билан ёнма-ён экилса, тез ўсади. Каштан одатда таълим муассасалари бинолари ён-атрофига экилади. Тутун ва заҳарли газларга чидамли эканини ҳисобга олиб, саноат ҳудудларини кўкаламзорлаштиришда ҳам кўпроқ каштан экиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ҳавонинг тозалиги маълум даражада енгил (атмосферани соғломлаштирадиган) ва оғир (ифлослантирадиган) аэронлар миқдори билан аниқланади. Каштандан ташқари, оқ акация, эман, мажнунтол, заранг, тилоғоч, оққарағай ва сирень ҳам фойдали аэронлар миқдорини бирмунча оширади.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, Ер шаридаги жами ўсимликлар йил давомида атмосферадан 550 миллиард тонна карбонат ангидрид газини ютади ва 400 миллиард тонна кислород чиқаради. 10 гектарга экилган каштан бир йилда 600-700 тонна чанг, 3-3,5 тонна олтингугурт ва карбонат ангидрид газининг оксидини ушлаб қолади ҳамда ҳавога 800 тонна кислород ажратиб чиқаради.

— *Дарахтзорларда ҳаводаги чанг миқдори шаҳарнинг очиқ ҳудудларига нисбатан 200 баробар кам бўлади,* — дейди олий тоифали аллерголог-шифокор Мунис Муҳсинов. — *Шаҳар муҳитига чидамли бўлган сербарг каштан эса ҳавони яхши тозалайди. Шу тариқа каштанларни экиш кўпроқ шаҳар аҳолиси азият чекадиган аллергик хасталикларнинг тарқалишига тўсқинлик қилади. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, чинор, айрим турдаги тук ажратадиган тераклар ҳам кучли аллергенлар ҳисобланади.*

Ер юзида йил давомида кўплаб касалликларни даволаш ва уларнинг олдини олишда табиий усуллардан бири климатотерапия ҳисобланади. Ана шу мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган соғломлаштириш масканлари эса дунёда камдан-кам топилади. Мамлакатимиздаги мўътадил атмосфера босими ва меъёридаги ҳаво намлиги, йил мобайнида қуёшли кунларнинг кўп бўлиши ва бошқа қулай табиий шароитлар инсонга майин таъсир этишини тадқиқотлар натижасида аниқлаган олимлар, шифокорларнинг хулосалари айни шу жиҳатдан эътиборга лойиқ. Айтиш керакки, бундай хулосалар Ўзбекистонни жаҳондаги энг қулай иқлимга эга бўлган минтақалардан бири, деб ҳисоблаш учун асос беради.



*Яқиндан томоша қилсангиз, барглари жуда мафтункор, узоқдан эса шаклу шамойили кўзни қувонтиради.*

**Б**у каби кўплаб омиллар, жумладан, Ўзбекистон табиатининг ўзига хослиги яшил майдонларни барча ҳудудларда янада кенгайтириш, ободонлаштириш ва экологик вазиятни янада яхшилаш бўйича кенг миқёсдаги ишлар жараёнида алоҳида эътиборга олинмоқда. Юртимизда олиб борилаётган кўкаламзорлаштириш ишлари тизимли хусусиятга эга бўлиб, ҳудудлар ва умуман, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган барча дастурлар мазмунига сингдирилган. Президентимиз томонидан “Обод турмуш йили” деб эълон қилинган жорий йил Давлат дастурида бу борада кенг кўламли ишларни амалга ошириш режалаштирилгани ҳам шундан далолат беради. 2013 — 2015 йилларда йўл ёқалари ва маҳаллаларда махсус ташкил этиладиган яшил ҳудудларда йилига 15 миллионта манзарали ва 29,5 миллион дона мевали дарахт, шунингдек, 10 миллиондан зиёд бута кўчатлари экиш кўзда тутилган.

**Б**уларнинг барчаси бугунги ва келажак авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол этиб вояга етказиш, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, дунёда тенги йўқ Ўзбекистонимиз заминини янада гўзал ва обод этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши билан барчамизни қувонтиради ҳамда шундай улуғ ишнинг иштирокчиси бўлиб, бу борада муносиб ҳисса қўшишга даъват этади.

**Руслан СУЛТОНОВ,**
**Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари.**

# Кимё саноатининг тараққиёти

## мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишида муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги пайтда лойиҳанинг дастлабки техник иқтисодий кўрсаткичлари негизида мазкур мажмуани ташкил этиш бўйича тендер савдолари ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқарувчи янги мажмуа ҳам истиқболли лойиҳалар сирасига киради.

Қиймати 500 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган мазкур мажмуа ишга туширилиши билан йилига

**220 миллион**

АҚШ долларилик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ички истеъмолчилар талаби тўлиқ қондирилади.

Шунингдек, бу маҳсулотга дунёда талаб тобора ошиб бораётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, лойиҳа корхона экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Шу билан бирга, қиймати 1,2 миллион АҚШ долларилик тиомочевина ишлаб чиқаришни кенгайтириш устида ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда. Бу борадаги лойиҳа шарофати туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати 3000 тоннага етказилиши кутилаётир.

Корхона жамоаси ташаббуси билан трикотаж маҳсулотлари, асосан, аралаш матолар ишлаб чиқариш, Нурота туманида 100 гектар майдонда интенсив боғ яратиш, сутни қайта ишлаш корхонаси ва 40 минг бошга мўлжалланган паррандачилик хўжалигини ташкил этиш каби лойиҳалар ижросига ҳам киришилгани диққатга сазовордир.

— Корхонамиз қувватини оширадиган истиқболли лойиҳаларнинг жорий қилиниши 2018 йилга бориб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баравардан зиёд кўпайтиришни таъминлайди, — дейди “Navoiyazot” очиқ акциядорлик жамияти бош директори Нусрат Солиев. — Шунингдек, илғор инновацион лойиҳалар ижроси натижасида кимёгарлар сафи яна минглаб ёш мутахассислар ҳисобига кенгаяди.



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Мухтасар айтганда, ўн икки мингга яқин киши меҳнат қилаётган корхонада бугун иш қизғин. Ишчи-мутахассислар янгидан-янги инновацион лойиҳаларни юзага чиқариш йўлида астойдил меҳнат қилишаяпти. Бу шижоат, изланиш ва интилиш корхона салоҳияти, пировардида мамлакатимиз иқтисодиёти янада юксалишига хизмат қилиши муқаррардир.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Майнцда Ўзбекистон маданияти кечаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Иоганн Гуттенберг номидаги Майнц университетининг магистратура бўлими бошлиғи Марион Грейн** ўз чиқишида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти билан олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик ва тажриба алмашишга доир масалаларга атрофлича тўхталди. М. Грейн жорий йилнинг апрелида “Salonlowe Verlag” илмий нашриёти томонидан Германия ва Ўзбекистон профессор-ўқитувчилари ҳаммуаллифлигида чоп қилинган “Ўзбекистон мисолида немис тилини ўқитишдаги янги услубий ёндашувлар” номли ўқув-услубий қўлланманинг нашр этилганини таълим жабҳасидаги икки томонлама самарали ҳамкорликнинг натижаларидан бири сифатида тилга олди.

Тадбир чоғида халқимизнинг бой тарихи ва маданияти, ўзбек олимларининг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссаси, шунингдек, мамлакатимизнинг замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳақида ҳикоя қилувчи “Ўзбекистонга хуш келибсиз!” номли ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди.

“Ўзбекистон маданияти кечаси” ўзбек халқ рақс санъати намуналаридан иборат маданий дастур намойиши ҳамда ўзбек миллий таомларининг тақдимоти билан якунланди.

“Жаҳон” ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида тадбирдан орттирган ўз таассуротларини ўртоқлашар экан, **Майнц шаҳар бургомистри Гюнтер Бек** кучли ижтимоий сиёсат юритиш тараққиётнинг “ўзбек модели”га хос бўлган асосий тамойиллардан бири эканлигини ҳамда бу йўналишда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ўз самараларини бераётганини алоҳида қайд этди.

— Бўлиб ўтган тадбир республикангизда болалар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги янги маълумотларга эга бўлиш имконини ҳам берди, — деди у. — Мамлакатингиз бу йўналишда аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсат олиб бораётганини қўллаб-қувватлаймиз. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон 1992 йилдан буён ушбу халқаро ташкилотнинг 13 та конвенциясини ратификация қилгани алоҳида эътиборга моликдир. Бугунги тадбир шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларини, Майнцдаги олий ўқув юртларининг ўқитувчи ҳамда талабаларини ўзбек халқининг ранг-баранг маданияти ва меҳмондўстлиги билан яқиндан таништирди.

Маданият кечасининг тафсилотлари “**Salonlowe-Verlag**” **нашриёти** веб-сайтида чоп этилган “Нотанишлар дўстларга айланмоқда — Майнцда Ўзбекистон маданияти кечаси” сарлавҳали мақолада ўз аксини топди. Унда “ажойиб миллий концерт дастури билан бирга, Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилгани, шунингдек, кеча меҳмонлари ўзбек миллий таомларидан баҳраманд бўлишгани ва ушбу дўстлик байрами иштирокчиларда илиқ таассуротлар қолдиргани” эътироф этилган.

**«Жаҳон» АА.**

# Инсон саломатлиги — бебаҳо бойлик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қишлоқлар аҳолиси, диспансер ҳисобида турадиган беморлар, ногиронлар, ёшлар ва хотин-қизларга зарур ёрдамлар кўрсатилмоқда. Айрим беморларга пойтахтдаги республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида даволаниш учун бепул йўлланмалар берилмоқда.

Хусусан, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида ташкил этилган мана шундай тадбирда кўплаб фуқаролар ўзларини ўйлантириб келаётган саволларга атрофлича жавоб олиш баробарида, соғлиқларини тиклаш борасида қулай имкониятларга ҳам эга бўлдилар. Малакали мутахассислар томонидан ёшлар иштирокида оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, эрта турмушнинг аянчли оқибатлари, юқумли касалликларнинг олдини олиш каби мавзуларда суҳбатлар уюштирилди.

— Саломатлик ҳафталикларида мунтазам иштирок этиб, бир жиҳатдан жуда қувонаяпман, — дейди академик Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази бўлим мудири Миршавкат Акбаров. — Эътибор берсангиз, юртдошларимизнинг юз-кўзида эртанги кунга ишонч, соғлом турмуш тарзига интилиш иштиёқи жуда кучли. Бу, шубҳасиз, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш борасида олиб борилаётган ишларнинг ижобий самаралари бўлиши билан бирга, юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳам одамларнинг турмуш даражаси юксалиб бораётганининг белгисидир. Барчамизнинг мақсадимиз битта, бу ҳам бўлса, юртдошларимизни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, маълум бир хасталикдан азият чекаётган беморлар дардига малҳам бўлиш, оғирини енгил қилишдир.

...Кавардон қишлоғилик Комила Бегматова кўпдан буён набираси Ихтиёржонни пойтахтга олиб бориб, малакали шифокорларга кўрсатишни дилига тугиб юрарди. Негаки, бир неча тиббий муолажаларга қарамай, унинг таянч-ҳаракат аъзоларидаги оғриқ батамом йўқолмаётганди. Шу куни улар шифокорлар ҳузуридан мамнун бўлиб чиқишди.

— Туманимизда бундай тадбирларнинг ўтказилаётгани биз, қишлоқ аҳли учун айни муддао, — дейди онахон. — Шифокорлар кичкинтойимизни текширувдан ўтказиб, аниқ ташхис қўйишди. Даволаниш учун йўл-йўриқ ва тавсиялар олдик. Айниқса, набирамизни жисмоний тарбия ва спортнинг махсус турларига жалб этиш, шунингдек, тиббий массаж орқали даволаш борасида берган тавсиялари бизга ғоят манзур бўлди. Энг муҳими, кўнглимиз таскин топди.

— Ёшим 72 да, анча йиллардан бери қанд касаллигидан азият чекаман, — дейди Юқори Чирчиқ туманининг Болта қишлоғида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Сайдулла Мансуров. — Биласиз, бу касаллик доимий тиббий кўрикдан ўтиб туришни, соғлиққа алоҳида эътиборли бўлишни тақозо этади. Шу боис бугунги тадбирдан биз, кексалар, айниқса, хурсанд бўлдик. Энг тажрибали шифокорлар суҳбатида бўлдик, уларнинг ширин сўзи, меҳр ва эътиборини кўриб, танимиздан дард аригандек бўлди.

Эътиборга лойиқ яна бир жиҳат шундаки, бундай кўрикларда вилоят ва туман соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари пойтахтдан ташриф буюрган фан докторлари, профессор ва доцентлар билан ёнма-ён иштирок этаётгани уларнинг тажриба орттириши, соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлиши, ўзаро фикр алмашиши учун ҳам яхши имконият яратмоқда.

Чуқурлаштирилган тиббий кўриклар мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб ўн кун давом этади.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚУЛАЙЛИК

*Ғаллаорол туманида 500 ўринли "Ниҳол" маросимлар уйининг ишга туширилиши аҳоли учун қўшимча қулайлик туғдирди.*

# Муносиб туҳфа

"Исломжон Мадад Нур" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилган мазкур лойиҳа шарофати билан 10 та иш ўрни яратилди. Тадбиркор айни пайтда фаолият турини янада кенгайтириб, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ва савдо дўконини барпо этаяпти.

Айтиш керак, туманда жорий йилнинг ўтган даврида қиймати 14,5 миллиард сўмга тенг бўлган 88 та лойиҳа рўёбга чиқарилиши туфайли 700 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланди.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

*Шу кунларда Европанинг бир қатор шаҳарларида кучли сув тошқинлари кузатилмоқда.*

# Сурункали ёмғир оқибати



"Евроньюс" телеканали хабарига қараганда, жумладан, Чехияда сурункали ёмғир оқибатида дарёлар ўзанидан тошиб чиққан. Ўт ўчириш хизмати ходимлари пойтахт яқинидаги шаҳарларда ҳимоя дамбалари ўрнатишга ҳаракат қилишаяпти. Уларга ҳарбийлар ҳам ёрдамлашмоқда. Прага кўчаларида транспорт қатнови тўхтаган. Умуман, мамлакатнинг 40 та шаҳри хавфлилик даражаси юқори бўлган ҳудуд, деб эълон қилинди. Ҳозиргача икки киши ҳаётдан кўз юмган.

Австриянинг Тирол, Зальцбург, Юқори ва Қуйи Австрия, Вена, шунингдек, Германиянинг жануби-шарқидаги Пассау, Мисбах ва Розенхайм шаҳарларида ҳам вазият анча жиддий. Қидирув-қутқарув, эвакуация ишлари давом этаяпти.

# Ёқимсиз рекорд

*Жорий йилнинг апрель ойида еврохудудда ишсизлик даражаси навбатдаги рекорд кўрсаткич — 12,2 фоизга етди.*




Бу мартдаги ҳолатдан 0,1 фоизга юқори бўлиб, айни пайтда 19,4 миллион киши иш жойига эга эмас, деганидир. Вазият, айниқса, Греция, Испания ва Португалияда мураккаб. Масалан, биргина Грецияда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 27 фоизи ишсиз мақомини олган. Австрия, Германия ҳамда Люксембургда эса аҳвол нисбатан яхшироқ. Яъни уларда ишсизлик даражаси олти фоиздан паст.

# Тайванда зилзила

*АҚШ Геология хизматининг хабарига кўра, Тайванда 6,3 балли зилзила содир бўлди.*




Табиий офат маркази Були шаҳридан 25 километр жануби-шарқда қайд этилган. Икки киши ҳаётдан кўз юмган, бир қанча одам жароҳатланган.

Айтиб ўтиш жоиз, Тайвань сайёрамиздаги энг сейсмик фаол ҳудудда жойлашган давлат бўлиб, бу ерда йилига 18 минг атрофида кучли-кучсиз ер силкинишлари кузатилади.

# Қуёшнинг "эгизаги"

*Франциялик ва бразилиялик астрономлар "Субару" телескопи ёрдамида қуёшга ўхшаш юлдузни кашф этишди.*

Бу топилмани олимлар Қуёшнинг "эгизаги", деб аташаяпти. У Ердан 2000 ёруғлик йили узоқликда жойлашган экан. Тадқиқотчилар ушбу кашфиёт илм-фанда янги тадқиқотлар ўтказиш учун хизмат қилиши мумкинлигини айтишмоқда.

# Заҳри қотилнинг йўли тўсилди

*Испания божхона назорати хизматчилари катта миқдорда ноқонуний гиёҳвандлик моддаси олиб кетаётган кеманинг йўлини тўсишди, дейилади "Франс-пресс" ахборот агентлиги хабарида.*



Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг айтишича, ушбу жиноий иш ҳақида март ойининг сўнгги кунида маълумот келиб тушганди. Яъни Фуэнхирол шаҳри соҳилидан бир неча километр узоқликда қандайдир номаълум кемага шубҳали юклар ортилгани ва у Марокаш томон ҳаракатлана бошлагани билдирилган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида жиноятчилар қўлга олинди. Текширув пайтида кема бортидан 17 тоннаю 100 килограмм гиёҳвандлик моддаси далилий ашё сифатида топилди. Мазкур сув транспорти воситаси хусусий бўлиб, ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган. 14 нафар экипаж аъзоси эса Миср фуқароси экан.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

## ЁЗГИ ТАЪТИЛ — 2013

*"Мовий гулхан" оромгоҳи "Нефтгазқурилиштаъмир" очиқ акциядорлик жамияти тасарруфида бўлиб, Бухоро вилоятидаги энг сўлим, хушманзара масканлардан биридир.*

# «Мовий гулхан» тароватИ

— Оромгоҳимиз 13,7 гектар майдонни эгаллаган, — дейди жамият касаба уюшма қўмитаси раиси Даврон Раҳматов. — Бу йилги мавсумда 770 нафар ўғил-қизнинг дам олишини ташкил этишни режалаштирганмиз. Болаларнинг маълум бир қисми Меҳрибонлик уйи ҳамда эҳтиёжманд оилалардан жалб этилади. Улар учун йўлланмалар ажратилмоқда.

Айтиш жоизки, оромгоҳни реконструкция қилиш, уни чинакам дам олиш масканига айлантириш чора-тадбирлари белгиланган эди. Шу мақсадда умумий қиймати 3 миллиард 850 миллион сўмлик лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Режага мувофиқ, бу ерда реконструкция ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Чунончи, 1-ётоқхона биноси тўлиқ реконструкция қилинди. Натижада бино замонавий қиёфага эга бўлди. Унда яшаш учун барча шарт-шароит мавжуд. 2, 3-ётоқхона биноларида ҳам реконструкция юмушлари бажарилди. Зарур жиҳозлар харид қилинди. Музлаткич, замонавий электр плиткалари келтирилди. Ошхона, усти ёпиқ спорт зали таъмирланди. Маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона, ёзги кинотеатр мавсумга тайёр ҳолга келтирилди. Бассейн ҳам таъмирдан чиқарилди. Оромгоҳда катта ҳажмдаги ободончилик ишлари бажарилди. 200 ўринли клуб мавсумга тайёр. Компьютер хонаси ҳам бор. Умуман, масканни мавсумга тайёрлаш билан боғлиқ юмушларга жамиятнинг 200 нафар ишчиси жалб этилди. Лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ, ҳозирги кунгача бир миллиард сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилди. Натижада сўлим табиат бағридаги бу масканнинг тароватига таровАт қўшилди.

Эътиборлиси, вилоятдаги нафақат "Мовий гулхан", балки "Бунёдкор", "Нефтчи" каби бир қатор оромгоҳларда ҳам мавсумга пухта ҳозирлик кўрилди. Бу сўлим масканларда ёз бўйи болажонларнинг шўх-шодон товушлари янграйди. Улар ёзги таътилни мазмунли ўтказиб, саломатликларини тиклайдилар, интеллектуал салоҳиятларини оширадилар. Оромгоҳда ўтган дамлар ўғил-қизларимиз учун бир умр эсда қоларли бўлади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

## «CONTINENTAL ESTATE ADVISORY GROUP» МЧЖ

**очиқ аукцион савдоларига таклиф қилади.**

***«Continental Estate Advisory Group» МЧЖ 2013 йил 4 июль соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилган:***

**1.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уйдаги 1-хонадон, умумий майдони 118,94 кв.м., 6 қаватли бинонинг 2-қаватида жойлашган 3 хонали тураржой.

*Бошланғич баҳоси — 255 151 000 сўм.*

**2.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уйдаги 2-хонадон, умумий майдони 118,21 кв.м., 6 қаватли бинонинг 2-қаватида жойлашган 3 хонали тураржой.

*Бошланғич баҳоси — 253 586 000 сўм.*

**3.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уйдаги 3-хонадон, умумий майдони 118,94 кв.м., 6 қаватли бинонинг 3-қаватида жойлашган 3 хонали тураржой.

*Бошланғич баҳоси — 259 715 000 сўм.*

**4.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уйдаги 4-хонадон, умумий майдони 118,21 кв.м., 6 қаватли бинонинг 3-қаватида жойлашган 3 хонали тураржой.

*Бошланғич баҳоси — 258 122 000 сўм.*

**5.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уйдаги 5-хонадон, умумий майдони 118,94 кв.м., 6 қаватли бинонинг 4-қаватида жойлашган 3 хонали тураржой.

*Бошланғич баҳоси — 259 273 000 сўм.*

**6.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уйдаги 6-хонадон, умумий майдони 118,21 кв.м., 6 қаватли бинонинг 4-қаватида жойлашган 3 хонали тураржой.

*Бошланғич баҳоси — 258 122 000 сўм.*

**7.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уйдаги 7-хонадон, умумий майдони 241,81 кв.м., 6 қаватли бинонинг 5-қаватида жойлашган 6 хонали тураржой.

*Бошланғич баҳоси — 527 113 000 сўм.*

**8.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уйдаги 8-хонадон, умумий майдони 239,4 кв.м., 6 қаватли бинонинг 5-6-қаватларида жойлашган 6 хонали тураржой.

*Бошланғич баҳоси — 521 859 000 сўм.*

**9.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уйдаги 9-хонадон, умумий майдони 118,21 кв.м., 6 қаватли бинонинг 2-қаватида жойлашган 3 хонали тураржой.

*Бошланғич баҳоси — 258 122 000 сўм.*

**10.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уйдаги 10-хонадон, умумий майдони 118,94 кв.м., 6 қаватли бинонинг 2-қаватида жойлашган 3 хонали тураржой.

*Бошланғич баҳоси — 259 150 000 сўм.*

**11.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уйдаги 11-хонадон, умумий майдони 118,21 кв.м., 6 қаватли бинонинг 3-қаватида жойлашган 3 хонали тураржой.

*Бошланғич баҳоси — 258 122 000 сўм.*

**12.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уйдаги 12-хонадон, умумий майдони 118,94 кв.м., 6 қаватли бинонинг 2-қаватида жойлашган 3 хонали тураржой.

*Бошланғич баҳоси — 259 273 000 сўм.*

**13.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уйдаги 13-хонадон, умумий майдони 118,94 кв.м., 6 қаватли бинонинг 4-қаватида жойлашган 3 хонали тураржой.

*Бошланғич баҳоси — 257 747 000 сўм.*

**14.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уйдаги 14-хонадон, умумий майдони 118,94 кв.м., 6 қаватли бинонинг 4-қаватида жойлашган 3 хонали тураржой.

*Бошланғич баҳоси — 259 715 000 сўм.*

**Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.**

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатган холда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Continental Estate Advisory Group» МЧЖнинг ОАТБ «Туронбанк» Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904916649001, МФО: 00986, СТИР: 301949454.

**Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.**

**Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Бешёғоч кўчаси, 1-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 245-30-40, (+99895) 170-11-40.**

*Лицензия: RR-0035.*

885А/535

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

***Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:***

**1.** Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли «Орзу» уй-жой комплекси мулкий мажмуаси.

*Бошланғич баҳоси — 3 547 887 682 сўм.*

**2.** Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 гектарлик иссиқхона.

*Бошланғич баҳоси — 1 061 620 331 сўм.*

Аукцион савдоси 2013 йил 27 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 25 июнь куни соат 18.00. Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Туронбанк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават.**
**Телефон: (8-365) 223-71-30.**

*Лицензия: RR-0001.*

886А/1453

## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

***(ҚҚС билан)***



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича**
Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2013 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

11R/109

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф қилади.***

*«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 25 июнь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:*

**I.** Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 12 ноябрдаги УКС-1-431/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чимкент кўчаси, 9-уй, 40-хонадонда жойлашган, умумий майдони 85,64 кв.м. бўлган, 4 қаватли уйнинг 4-қаватидаги таъмирталаб 4 хонали уй-жой такроран савдога қўйилган.

*Бошланғич баҳоси — 152 538 000 сўм.*

**II.** Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 12 мартдаги 10-0914/987-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

**1.** Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Припаркатская кўчаси, 51-уй, 6-хонадонда жойлашган, умумий майдони 72,0 кв.м. бўлган нотураржой биноси.

*Бошланғич баҳоси — 56 491 460 сўм.*

**2.** Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Сувсоз (Водник) даҳаси, 29-уй, 45-хонадонда жойлашган, умумий майдони 83,0 кв.м. бўлган нотураржой биноси.

*Бошланғич баҳоси — 49 366 271 сўм.*

**3.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 12-квартал, 30-уй, 126-хонадонда жойлашган, умумий майдони 52,0 кв.м. бўлган нотураржой биноси.

*Бошланғич баҳоси — 41 643 598 сўм.*

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда, соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Телефон: (8-371) 250-19-24. www.realtgroup.uz**

*Лицензия: № RR-0017.*

## БИЛДИРИШ

*«Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 28 майдаги 102-сонида хабар қилинган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси ва Эргашев кўчаси кесишмаси, 1-уйда жойлашган нотураржойнинг аукцион савдоси Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлимининг 2013 йил 29 майдаги хатига асосан тўхтатилди.*

***«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.***

887А/105

*Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ташкил этилиб, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт ўйинлари ёшларимизни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.*

# Мусобақаларга тайёргарлик қизғин

Айниқса, Универсиада мусобақалари олий ўқув юртлари талабаларининг чин маънодаги камолот мактабига айланди. Буни жиззахлик ёшларнинг Бухоро вилоятида бўлиб ўтадиган навбатдаги мусобақаларга тайёргарлик жараёнидан ҳам билиш мумкин.

— Гарчи Самарқанд шаҳрида ўтказилган ҳудудий саралаш босқичининг жамоавий спорт турлари бўйича баҳсларида муваффақиятга эришолмаган бўлсак-да, яккалик беллашувларда иштирок этадиган терма жамоамиз аъзоларининг кайфияти юқори, — дейди Жиззах давлат педагогика институтининг Жисмоний маданият ва спорт кафедраси мудири Абдуқодир Исматов. — Жиззах давлат педагогика ва Жиззах политехника институтларининг 49 нафар талабасидан иборат вилоят жамоаси Қосим Юсупов, Фурқат Аҳмедов, Олим Раҳимов, Ғайрат Султонов сингари тажрибали мураббийлар бошчилигида шу кунларда Универсиадага сўнгги тайёргарлик машқларини ўтказишмоқда. Енгил атлетика, дзюдо, сузиш, теннис мусобақаларида қатнашадиган спортчиларимиздан умидимиз катта.

Талабаларнинг пухта машғулот олиб бориши учун вилоятда барча шарт-шароит яратиб берилган. Жумладан, Жиззах олимпия захиралари коллежининг спорт зали, ёпиқ сузиш ҳавзаси, Жиззах шаҳридаги теннис корти, олий ўқув юртларининг спорт мажмуалари ёшлар ихтиёрида.

— Ўн йилдан буён енгил атлетика билан шуғулланаман, — дейди Жиззах давлат педагогика институти талабаси Роман Штукан. — Айниқса, устозларим Алишер Толипов ва Олим Раҳимов мураббийлигида сўнгги йилларда ўтказган машғулотларимиз анча самарали кечди. Масалан, 800 ва 1500 метрга югуриш бўйича икки марта Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритдим, 2010 йилда Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлдим. 2011 йилда Термиз шаҳрида ўтказилган “Баркамол авлод” спорт мусобақаларида 2 та кумуш медаль билан тақдирландим. Совринларим қаторида уч босқичли тизимнинг юқори бўғини — Универсиада медали бўлишини жуда-жуда хоҳлардим. Бухорода шунга ҳаракат қиламан. Келажакдаги энг катта орзуим — Олимпиада ўйинлари, жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, юртимиз байроғини баланд кўтариш.

Жиззахда Роман сингари эзгу мақсадлар билан камол топаётган ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Энг муҳими, улар шу азиз Ватанга дахлдорлик туйғуси билан улғаймоқдалар.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БАНДЛИК

*Тошкент ахборот технологиялари университетида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари учун меҳнат ярмаркаси ўтказилди.*

## Мутахассислар учун янги имкониятлар

Унда тизимдаги 40 дан ортиқ корхоналар икки юзга яқин бўш иш ўринларини таклиф этди. Эътиборли жиҳати, мазкур тадбирда нафақат талабалар, балки мамлакатимиздаги IT-мутахассислари тайёрловчи касб-ҳунар коллежлари ва лицейлари ўқувчилари ҳам қатнашиш имконига эга бўлдилар.

Ярмарка якунида юздан зиёд ёшларга ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

**Элбек ДОЛИМОВ.**

ТАҚДИМОТ

# BOLAJON — кичкинтойларга туҳфа

*Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан юртимиз болажонлари қувончига янада қувонч улашиш мақсадида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ажойиб совға ҳозирлади. Гап шундаки, айнан шу куни янги “Bolajon” деб ном олган телеканал ўз фаолиятини бошлади.*

Айтиш жоизки, мазкур телеканал Президентимиз томонидан шу йилнинг 30 май куни имзоланган “Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Yoshlar” телерадиоканали” ёпиқ акциядорлик жамияти қошида болаларга мўлжалланган янги рақамли “Bolajon” телеканалини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, эфирга чиқа бошлади. “Bolajon” телеканали дастурлари мамлакатимизга амалдаги рақамли теледастурлар ижтимоий пакети таркибида тарқатилмоқда.

Янги рақамли телеканалнинг кўрсатувлари 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган. Бунда кичкинтойларда атроф оламни идрок этиш, уларда миллий қаҳрамонлар, ўзбек халқи ва бошқа халқларнинг достонлари, эпослари, эртаклари персонажлари мисолида эзгулик ҳамда адолат тушунчаларини шакллантиришга йўналтирилган, билим берувчи ва ақлан ривожлантирувчи телевизион дастурлар намойишига кўпроқ аҳамият қаратилади. Шунингдек, болаларнинг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишларини ривожлантиришга мўлжалланган махсус ўқув телекўрсатувлари тайёрлаш ҳамда бадиий, мультипликацион ва маърифий фильмларни хорижий тилларда, ўзбек тилидаги субтитрлар билан намойиш этиш ҳам кўзда тутилган.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ.**

# Ёш истеъдодлар кўргазмаси

*Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон бўлими томонидан Обод турмуш йилига бағишлаб “Ёш истеъдод эгалари” деб номланган кўргазма ташкил этилди.*

САНЪАТ

Унда Нукус ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқувчиларининг манзара, натюрморт, портрет жанрларида графика ва мойбўёқда ишланган асарлари ҳамда турли амалий санъат намуналари намойиш қилинди.

— Ушбу тадбир бизни янгидан-янги асарлар яратишга ундайди, — дейди мазкур санъат мактаби ўқувчиси Д. Адилшаева. — Жумладан, ўзим тиккан қорақалпоқ миллий либоси — “Кўк кўйлак” безаклари томошабинлар эътирофига сазовор бўлганидан жуда хурсандман.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• Реклама ва эълонлар •


STANDARD & POOR'S
RATINGS SERVICES

2013 йил 29 майда
«STANDARD & POOR'S»
халқаро рейтинг компанияси
«Ипотека-банк»
акциядорлик тижорат ипотека банкининг
«B+/B»
рейтингини тасдиқлади.
Рейтинг истиқболи
«БАРҚАРОР»

IPOTEKA BANK

888A/

Geologiya, yoqilg‘i-energetika, kimyo, neft-kimyo va metallurgiya sanoati soha korxonalari tarmoq sanoat yarmarkasi

TAKLIF ETAMIZ!

Tarmoq sanoat yarmarkasi va Kooperatsiya birjasi kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub’ektlariga buyurtmalar portfelini shakllantirish, o‘zlari ishlab chiqargan mahsulotlarni yetkazib berish bo‘yicha respublikaning yetakchi tashkilotlari bilan tendersiz o‘zaro manfaatli shartnomalar tuzish uchun ajoyib imkoniyat yaratadi!

2013-yil 5 – 7 - IYUN KUNLARI

«O‘zekspomarkaz» MKK OAJ ko‘rgazma maydonlarida.
Tel.: 238-54-13, 238-53-52.



Xalqaro sanoat yarmarkasi va Kooperatsiya birjasi direksiyasi.

857R/1450



«Қибрай»
клиник санаторийси
юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.
Сиҳатгоҳда сауна, сузиш ҳавзаси, фитобар, теннис корти, бильярд ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.
Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.
Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони.
Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.
Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.
735AA/444

«CHAG‘ATAY INVEST» МЧЖ
қуёш батареялари
• Универсал иситиш тизими
• Газ генератори
• Шамол генератори
• Микро ГЭС
• Электрогенератор (табиат факторларисиз)
Тел.: (8-371) 250-47-59, (+99895) 170-06-39, (+99890) 950-10-74, (+99890) 951-94-15.




311R/108
Сайт: WWW.CHAGATAY.UZ МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.


“Ўзархив” агентлиги жамоаси Сирдарё вилояти архив иши бошқармаси бошлиғи Баҳром Халиқовга волидаи муҳтарамаси
**Ҳикоят АБУЛҚОСИМОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Электромеханика ва автоматика кафедраси доценти Ғолиб Маҳмудовга қизи
**Камола АЗИМОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 113 202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5